

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДАГИ ТУРИСТИК КОРХОНАЛАР ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИНИНГ СТРАТЕГИК АҲАМИЯТИ

Абдуллаев Фарход Озодович,
УрДУ Туризм Кафедраси мудири и.ф.н.
E-mail: farhodeconomy@mail.ru

Исмаилов Адҳам Бахрамович,
УрДУ Туризм Кафедраси тадқиқотчиси
E-mail: ad.bakhramovich@gmail.com

Аннотация: Мақолада Хоразм вилоятида мавжуд сайёҳлик ташкилотларининг минтақавий туризм жозибадорлигини оширишдаги ўрни кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, Хоразм вилоятидаги туристик корхоналар интеграциялашувининг долзарб муаммолари кўриб чиқилган бўлиб, ҳудудда туризм соҳаси ривожланишининг асосий масалалари ва тенденциялари ўрганилган.

Аннотация: В статье представлен обзор роли региональных туристических организаций в повышении привлекательности туризма в Хорезмской области. Также рассмотрены актуальные проблемы интеграции туристических предприятий в Хорезмской области и изучены основные проблемы и тенденции развития туристической отрасли в регионе.

Abstract: The article presents an overview of the role of regional tourism organizations in increasing the attractiveness of tourism in the Khorezm region. Also actual problems of integration of tourist enterprises in the Khorezm region and the main problems, tendencies of development of the tourist industry in the region are studied.

Калит сўзлар: туризм, туристик корхона, интеграция, стратегия, стратегик менежмент, инновацион менежмент, ҳудуд, инвестиция.

Кириш

Сўнги бир йил ичида мамлакатимизда туризм соҳасини мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланиш жараёнидаги иштирокини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Президенти ташаббуси билан кўплаб чора-тадбирлар дастурлари, йирик ҳажмдаги инвестицион лойиҳалар, ҳуқуқий жиҳатдан турли хил зарур қонуности ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Бир сўз билан айтганда, мазкур соҳани мамлакат бўйлаб комплекс ривожлантиришга киришилди. Айниқса, ҳудудларнинг жойлашиши, ижтимоий-иқтисодий ҳолатининг реал таҳлиллари ҳамда сайёҳлик салоҳиятига қараб ҳар бир ҳудуд учун алоҳида дастурлар қабул қилиниши мамлакатнинг туризм соҳасига стратегик нуқтаи назардан эътибор қаратилганлигини билдиради. Хусусан, мамлакат раҳбари томонидан жорий йилнинг 4 майида "2017-2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини

комплекс ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги қарорида кўрсатилган лойиҳаларни амалга оширишга **11,226 млрд.** сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган бўлиб, ҳудудда туризм инфратузилмасини, жумладан ихчам меҳмонхоналар тизимини ривожлантириш, сайёҳларга замонавий хизмат кўрсатадиган иншоотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда [1]. Шу нуқтаи назардан мазкур лойиҳаларни тўғри ташкил этишда туристик корхоналарнинг интеграциялашувини ўрганиш ва соҳага стратегик, инновацион менежментни жорий этиш бўйича асосли ёндашувлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Туристтик корхоналар интеграция жараёнини тадқиқ қилишда кўпгина маҳаллий ва хорижий изланувчилар томонидан концептуал ёндашувлар келтирилган. Жумладан, тадқиқотчилар J.P.Bousset, D.Skuras, J.Tesitel, J.B Marsat, A.Petrou, E.Fiallo-Pantziou, D.Kuová, M.Bartolar фикрича, туризм ва минтақадаги ресурслар, маҳсулотлар, умуман жамият ўртасидаги алоқалар интеграциялашган туризм ривожланишига хизмат қилувчи асосий омиллардан ҳисобланади. Биринчи навбатда минтақавий туристик ресурсларнинг назоратчилари, туристик корхоналар, жойлаштириш хизматлари, транспорт ва экскурсия хизматлари интеграциясини бошқаришда мос институционал структуралар ва стратегияларни идентификациялаб олиш зарур[2].

В.А.Квартолнинг фикрича, янги информацион технологиялар ва самарали алоқалар туризмнинг шиддат билан ривожланишига ҳамда вертикал, горизантал ва диагонал интеграцияни вужудга келтиришда хизмат қилади [3]. В.Е.Шимокованинг **“Ҳудудларда туристик бизнесни ривожлантиришда кластерлаштиришнинг роли”** мавзусидаги илмий ишида бозор шароитида туристик фаолият билан шуғулланувчи корхоналарнинг тадбиркорлик структураси самарадорлиги, ресурсларни жамлашнинг инновацион механизмига асосланган интеграцион алоқалар ва туризм соҳасини бошқаришнинг ахборот коммуникацион технологиялари орқали таъминланади деб таъкидлаган[4].

А.Масchiavellининг фикрига кўра, “туристик дестинация истеъмолчиларига, яъни сайёҳларга интеграциялашган таклиф тизимини амалга ошириш орқалигина яхлит маҳсулотга айланиши мумкин. Тадбиркорлик субъектлари орасидаги ўзаро ҳамкорлик бир вақтнинг ўзида туристик дестинация ҳамда корхонага сезиларли даражада фойда келтиради, аммо бунини кўпчилик операторлар англамайдилар” [5].

Туризм менежменти бўйича олимлар M.Frank ва R.Goversлар ўзларининг “Туристтик дестинациялар учун интеграциялашган сифат менежменти: рақобатбардошликка эришишда Европа истиқболлари” мавзусидаги илмий асарида “туристик дестинациялар интеграциялашувга киришиши учун сиёсий, стратегик ва сифат менежментининг интеграциялашган ёндашувлари каби элементларига эга бўлиши зарур” дейдилар [6].

Дарҳақиқат, муаллифлар томонидан туризмда интеграцияларнинг минтақа иқтисодиётидаги стратегик роли муҳим эканлиги аниқ таҳлиллар асосида ёритиб берилган бўлиб, бу мавзудаги ишни давом эттириш, техник ва технологик жиҳатдан ҳамда маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиш соҳанинг ривожига муҳим роль ўйнайди.


Тадқиқот методологияси

Тадқиқот методологияси сифатида эмперик тадқиқот, тизимли ва қиёсий таҳлил ҳамда статистик гуруҳлаштириш ва эксперт баҳолаш методларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Товор ишлаб чиқаришдан фарқли ўлароқ, миллий иқтисодиётнинг ноишлаб чиқариш қатламига кирувчи туризм соҳасининг бирон-бир ички ёки ташқи омилларга боғлиқлик даражасини аниқлаш айнан мазкур sanoatнинг галдаги стратегиясини ишлаб чиқишга тўлиқ асос бўла олади. Айниқса, соҳага доир тадбиркорлик субъектларининг мавжуд имкониятларини ўрганиш асосида жойларда иқтисодий кластерларни яратиш истиқболлари ҳудудлар кесимида ички ва ташқи имкониятлардан келиб чиққан ҳолда таклиф этилади. Мамлакатимизнинг туристик салоҳияти таҳлил қилинганда туристик ҳудудларнинг ривожланиш ҳолатлари муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда Хоразм вилояти Самарқанд, Бухоро ва Тошкент туристик ҳудудларидан фарқли равишда мамлакатдаги туристик ресурслари энг зич жойлашган ҳудуд ҳисобланади. Вилоятнинг туристларни қабул қилиш сиғими, туристлар оқими ҳамда ялпи ҳудудий маҳсулотда туризмнинг улуши нуқтаи назардан олиб қаралганда мазкур ҳудуд кўрсаткичлари мавжуд ресурслардан янада самарали фойдаланиш зарурлигини англатади.

Хоразм вилоятида маҳаллий туристик корхона ва ташкилотлар томонидан 2016 йилда жами **81658** та сайёҳнинг ташрифи ташкиллаштирилган бўлиб, шулардан 28868 нафари ички сайёҳлар бўлса, 52790 нафари чет эл фуқароларини ташкил этган. Бу борада 2017 йилнинг 9 ойи мобайнида жами **95 558** нафар сайёҳларга хизмат кўрсатилган бўлиб, 34 985 нафари ички, 60 573 нафар сайёҳ ташқи туризм, яъни чет эл фуқаролари бўлган. 2017 йилнинг 9 ойи мобайнидаги кўрсаткич 2016 йилдагига нисбатан 17 %га ошган. **Вилоятда фаолият юритаётган туристик ташкилотларга назар солсак**, соҳанинг ривожланиш салоҳияти мавжуд эканлигини идентификациялаб олишимиз мумкин. Хусусан, бугунги кунда туризм соҳасининг айнан туроператорлик соҳасида вилоятда жами 21 та хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Улардан ўтган 2016 йил давомида вилоятга сайёҳларни жалб этиш кўлами бўйича “Зухро Травел” МЧЖ 12089, “Бек Тур” МЧЖ 9600 нафар ва “Жавҳар Ҳулкар Юлдузи” МЧЖ 9200 нафар сайёҳларга хизмат кўрсатиши билан бозорда етакчилик қилишмоқда (1-расм).




1-расм. Хоразм вилоятидаги йирик туроператорларнинг 2016 йилда сайёҳларни жалб этиш кўрсаткичлари

Манба: Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Хоразм вилоят бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Албатта, туристик хизматларнинг экспорт савдосидаги улуши юқори бўлиши учун чет эллик ташриф буюрувчиларнинг сонини кўп бўлиши муҳим аҳамият касб этган ҳолда мамлакатга хорижий валютанинг кириб келишини таъминлайди.

Вилоятдаги туроператорлик йўналишида фаолият юритаётган корхоналар 2016 йил ҳисобига жами **52 790** нафар 2017 йилнинг дастлабки 9 ойи мобайнида эса **60573** нафарн хорижий сайёҳларни жалб этган. Туристларни жойлаштириш воситалари нуқтаи назардан таҳлил қиладиган бўлсак, бугунги кунда Хоразм вилоятида 2016 ҳолатига кўра 48 та меҳмонхоналар хорижий ва маҳаллий аҳоли учун хизмат кўрсатиб келмоқда. Мазкур меҳмонхоналар туристик мавсум давомида тўлиқ банд бўлишига эришилади. Аммо, йил давомида ўртача бандлик кўрсаткичлари барқарор ҳолатда эмас. 2016 йилда бу кўрсаткич 19 % ни ташкил қилган бўлса, 2017 йилнинг 9 ойи якунлари бўйича 24 %га етган. Вилоятдаги “Азия Хива” меҳмонхонаси 2016 йилда 13537 та меҳмонга хизмат қилган бўлиб, бу кўрсаткич 2017 йилнинг 9 ойида 10679 нафарни ташкил қилган (2-расм).



2-расм. Хоразм вилоятидаги йирик меҳмонхоналарнинг 2016-2017 йиллар мобайнида бандлик кўрсаткичлари

Манба: Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Хоразм вилоят бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Шунингдек, юқорида келтирилган кўрсаткичлар шуни таҳлил қиладики, вилоятдаги туристик ташкилотлар ва меҳмонхоналар ривожланиш тенденцияларида интеграциянинг аҳамияти юқори. Худудда жойлашган занжир меҳмонхоналар ва йирик туристик корхонлар ҳудудий филиаллари бозорнинг асосий қисмини эгаллаб турибди. Бундан ташқари, яқин келажакда уларнинг сони янада ошиши муаммонинг долзарблигини кўрсатиб беради. Туристик корхоналар томонидан сайёҳлар оқимини бошқариш ва йўналтиришда меҳмонхоналар саноатининг ўрни юқори бўлишини инobatга олган ҳолда жорий йилда мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан 2017-2021 йилларда Хоразм вилоятида 18 та меҳмонхона қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари белгиланган [7].

Умуман, бу каби туризм соҳасида фаолият кўрсатувчи давлат ва нодавлат ташкилотлар, меҳмонхоналарнинг сони кўпайиши мазкур соҳанинг стратегик ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради. Иқтисодиётда стратегик режалаштириш ва инновацион менежментни иқтисодиётнинг маълум бир тармоқларига жорий қилишда дастлаб уларни вертикал ва горизонтал интеграциясини ташкил қилиш талаб этилади. Маҳаллий туристик корхоналар хорижий туристик фирмаларнинг интеграцион жараёнлар соҳасидаги тажрибасидан самарали фойдалана олмаслиги уларнинг маҳсулотлари рақобатдошлигининг таъминланмаслигига олиб келади [8].

Шу ўринда мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий туристик корхоналар интеграциясини қўллаб-қувватлаш юзасидан қуйидаги йўналишлардаги таклифларни амалиётда қўллаш орқали, юқори самарадорликка эришиш мумкин бўлмоқда:

– Хоразм вилоятида туроператорларнинг “crowdfunding”га асосланган ассоциациясини нодавлат нотижорат ташкилот сифатида ташкил этиш тизимини ишлаб чиқиш;

– замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда дестинацияни ахборот-коммуникацион интеграциясини йўлга қўйиш учун яхлит веб-мобил платформани шакллантириш ва барча туристик корхоналарни платформага жалб қилиш;

– маҳаллий туроператорлик корхоналарини йирик хорижий суғурта компаниялари билан ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйишда давлат томонидан ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

– вилоятдаги меҳмонхоналарни хорижий туристик корхоналар билан ҳамкорлик қўламини янада ривожлантириш мақсадида уларнинг устав капиталини оширишга қаратилган давлат томонидан инвестицион дастурларга жалб қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

– маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қошида туристик корхоналар интеграциясининг иқтисодий салоҳиятини мониторинг қилиш институтларини ташкил қилиш.

Шуларни ҳисобга олиб, иқтисодиёт тармоқларида стратегик режалаштиришни тўғри ташкил этиш ҳамда самарали йўлга қўйишда инновацион менежментнинг маълум бир йўналишини соҳа билан узвий боғлаш асосий мақсад бўлиб қолиши лозим. Туризм соҳасида шу йўналишдаги жаҳон тажрибаларини локализациялаш тармоқнинг тўғридан-тўғри ялпи ички маҳсулотдаги улушини бир неча баробарга оширишга хизмат қилади. Бу эса макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлигига эришиш ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш тамойилларини ўз ичига қамраб олган илмий тадқиқот лойиҳаларини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 4 майдаги ПҚ-2953 сонли “2017-2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги қарори.

2. J.P. Bousset, D.Skuras, J.Tesitel, J.B Marsat, A.Petrou, A decision support system for integrated tourism development: rethinking tourism policies and management strategies. Tourism Geographies, Taylor & Francis (Routledge), 2007, 9 (4), p. 387 - p. 404.

3. Квартальнов В.А. Туризм/ Квартальнов В.А.: Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2004. – 320 с.

4. Шимакова В.Е. Роль кластеризации в развитии туристического бизнеса в регионах// Шимакова В.Е.: Культура народов Причерноморья. Научный журнал. – 2008. – №137. – С. 62-66.

5. Andrea Macchiavelli, (2001) "Tourist destinations as integrated systems", *Tourism Review*, Vol. 56 Issue: 3/4, pp.6-11, <https://doi.org/10.1108/eb058361>

6. Frank M. Go*, Robert Govers “Integrated quality management for tourist destinations: a European perspective on achieving competitiveness” *Tourism Management* 21 (2000) 79-88

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи./ <http://president.uz/uz/lists/view/1147>

8. Мельниченко С.В. Информацион технологии в туризме: теория, методология, практика: Монография. – К.: Киив. нац. торг.-экон. ун-т, 2008. – 493 с.